

Ўзбекистон — келажак буюк давлат

ЖАМЪ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



1999 йил 9 ноябр
Сотувда эркин нархда
№ 222 (2260)

АЖДОЛАРИМИЗ ДАҲОСИНИНГ БЕБАҲО ЁДГОРЛИГИ

Мустақиллигимизнинг тўққизинчи олтин кўни ҳам халқимиз учун ҳайрли келди. Ҳаётнинг ҳар жабҳасида яратувчилик, бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Деҳқонларимизнинг йил давомида қилган ҳаққини меҳнат бугун улкан ҳирмон бўлиб кўкка бўй чўзди. Қўниларимиз фахр ва гурурга тўлдирилган яна бир жиҳат эса, тобора салмоқли бўлиб бораётган моддий неъматлар барбординда маънавий қадриятларимизнинг

янада эъзозланганидир. Кўни кеча Ўргонда миллий гуруримиз ва ватанпарварлигимиз рамзи Жалолиддин Мангуберди товулдиннинг 800 йиллиги кенг нишонланган эди. 6 ноябр кўни эса миллий шодиёналар қадим ва навқирон Термиз шаҳрига кўчди. Шаҳар марказида бунёд этилган улкан боғда аждодаларимиз даҳосининг бебаҳо ёдгорлиги — “Алпомиш” достонининг 1000 йиллиги катта тантана билан нишонланди.



лақатлардан келган йирик фольклорчи олимларнинг “Алпомиш” достонининг дунё маънавияти хазинасида тугатган ўрни, қаҳрамонлик достонларининг миллий қадриятлар тикланишидаги аҳамияти мавзулариди маърузалари тингланди. Мазкур достоннинг қадимий асослари, бошқа туркий тиллардаги версиялари, достоннинг тарихи қилиб таърихчилар, бошқа қаҳрамонлик эпослари билан қиссаланиш ҳамда яратилишига оид маърузалар катнашилганда катта қизиқиш уйғотди.

Анжуманда Ўзбекистонда ўтмиш меросини асраб-авайлаш, маънавий хазинани синчиқлаб ўрганиш ва ёшларни бундай бебаҳо дурдоналар руҳида тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши олим муносабатлари томонидан алоҳида мамнуният билан таъкидланди. “Алпомиш” шодиёналари достонда қўйилган эзуғуларнинг халқимиз ақлида янада таттиқроқ томир отиши учун катта имкониятлар очди. Э-юрт билимни, Ватан даҳасизлиги, оила хотиржамлигини улуғ бахт, деб билган боболаримиз яратган “Алпомиш” асри оша эзгулик йўлида ҳизмат қилувчилари алоҳида қайд этилди.

Мусулмон НАМАЗОВ,
Чори ТУХТАЕВ,
ЎЗА махсус мухбирлари,
СУРАТЛАРДА:
тантанадан лавҳалар.
М. АМИН ва И. ХУҲАЕВ
олган суратлар.



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ “АЛПОМИШ” ДОСТОНИНИНГ 1000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрият ватандошлар!
Мухтарам меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!
Кечагина биз халқимиз озолиги йўлида жон фидо этган миллий қаҳрамонимиз Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини кенг нишонладик.

Бугун эса аждодаларимиз бадиий даҳосининг бебаҳо ёдгорлиги — “Алпомиш” достонининг 1000 йиллиги байрамиде сиз азизлар билан дийдор қўришди турганимиздан гоёт мамнунман.

Ҳар қайси миллатнинг ўз афсонавий баҳодир, севган пахлавони бор. Алпомиш номи ҳам бизнинг шууримизда мунис оналаримиз айтган аллалар билан кирган. Аждодалар эди, фахру гурури бизнинг хотирамида Алпомиш тисмолида жон бўлган.

“Алпомиш” — ўзбекнинг ўзигини намоён этиладиган, мард ва танги халқимизнинг қадимий бешиклари — миллидан аввалги Кушон ва Бактрия давлатларида замани бўлган билан оламга машҳур. Бухдалга Давлатнинг, Хот-чаён, Тилгапетга, Заратуст, Тешиктош, Фабзетпа сингари кўна маконлар, у ерларда топишган археологик ашёлар кўпнинг йиллик тарихимизнинг ноб ёдгорликлари.

Бутун ўзбек халқининг маънавий мулкидир. Лекин нима учун биз унинг тўғрисида Термиз шаҳрида, Сурхон воҳисада ўқийликми?
Негакки, Сурхон воҳиси, аввало, “Алпомиш” достони тугилган қутлуғ макон. Алпомиш мана шу бепоён яйловларда, баланд тоғ дарагаларида гулбурлатиб от қоплаган, шу юртининг зилол қўлларидан сув ичган, шу марғурий элга муносиб пахлавон бўлиб етишган.

Шунинг учун ҳам Барчидой дўшманларга қарата гурури бўлиб: “Менинг ёрим биланг Бойқон сўтган”, деб айтди.

Сурхон жаҳон цивилизациясининг қадимий бешиклари — миллидан аввалги Кушон ва Бактрия давлатларида замани бўлган билан оламга машҳур. Бухдалга Давлатнинг, Хот-чаён, Тилгапетга, Заратуст, Тешиктош, Фабзетпа сингари кўна маконлар, у ерларда топишган археологик ашёлар кўпнинг йиллик тарихимизнинг ноб ёдгорликлари.

“Алпомиш” тўғрисида Термиз шаҳрида ўтаётганда мен яна бир рамзий маъно кўраман.

Мана шу чегара ҳудудларида қўқисни қалқон қилиб табиатан оғир-вазмин, аммо Ватан бошига синов тушса, жон фидо этишга ҳам тайёр ориятли халқ шайиди.

Бул довлар ва ўқам халқнинг — Сурхон ақинининг юрадида Алпомиш каби пахлавонлардан мерос қолган шижоат шайиди.

Бул юртда дунёнинг кураш майдонларида кураги ерта турмасдан зафар қозониб, ўзбек номини бутун оламга тараннум эттаётган юзлаб полковлар шайиди.

Ишончмчи қомилки, бундай қудрат соҳиби бўлган халқни ҳеч қандай ёвуз куч енгилмайди.

Хатматли меҳмонлар, азиз ватандошлар!
Бугун биз сизлар билан “Алпомиш” достонининг 1000 йиллик тўғрисида таъкидланди. Лекин бу достонда таъкидланган воқеалар юртимизнинг неча-неча минг йиллик шонли тарихидан дарак беради.

Асардаги қоний бил далакча мурожаат қилибдики, Халқимизнинг қадимий тасавуруларига кўра, ўқ-ёй — ҳокимият нишонини ҳисобланган. Алпомиш этти еттида ўн тўрт ботом бичирдан — бронзалан ясалган ёлган ўқ отиб, “алп” деган унвонга эга бўлади. Алп дегани — ҳокимият этаси эканини ишонат оласа, бу достон кўп асрлик миллий давлатчилигимизнинг бадиий ифода эканига ишонч ҳосил қилмади.

Аслида, халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир достон бўлса, “Алпомиш” ана шу достоннинг шохбайтидир. Бу мўътоз асарда тарих тўғрисидаги, ҳаёт-маёт синовларидан омон чиқиб ўзигини йўқотмаган халқимизнинг бағрикенглик, ма-

донат, олижаноблик каби эзуғу фазилатлари ўз ифодасини топган.

Мухтарам юртдошлар!
Бугунги муборак айёмда биз “Алпомиш”дек сўз дурдонасини яратган, уни асрлар оша авлодларга етказиб келган ижодкор халқимиз даҳоси олдиде бош эгамиз.

Бугун биз минг йиллар давомида бу достонни қўйлаб, гахлардай асраб-авайлаб, бойитиб келган, номлари бизга номаълум бўлган юзлаб халқ бахшиларининг истеъдоди қаршида таъзим қиламиз.

Атар иложи бўлса, мен ана шу инсонларнинг номларини маънавийлик тарихига олтин ҳайфлар билан ёган бўлур эдим.

Мухтарам жамоат!
Бахши-шорлар ўз халқининг бийрон тилидир. Улар юртимизда доимо “Бахшили эл — яхшили эл” деб улуғланган.

Бугун биз Ёдгор бахши ва Тилла кампир, Жоссоқ шор ва Амин бахши, Шерна бахши ва Эргаш Жуманбулул, Фозил Ўйлаш ва Пулкан шор, Ислош шор ва Абдул-ла шор, Саймулло Панов ва Бекмурод Жўрабой угли, Берди бахши ва Раҳматулла Юсуф угли, Қодир шор ва Шоберди бахши каби достончиларнинг номларини эҳтиром билан тилга оламиз. Уларнинг ноб қобилияти, юксак маҳорати тўғрисида “Алпомиш” бор саноати ва нафосати билан ижозат берайизлар.

Мен алоҳида мамнуният билан мана шундай савобли ишларимизда бизга ҳаминча хайрихолик қўрсатиб келатган ЮНЕСКО вакиллари, бугунги шодиёнамизга узоқ-яқиндан таъриф буюриб, қувончмчи-каш шерик бўлган барча хорижий олимларни ҳам миннат-

ПРЕЗИДЕНТ ХИТОЙГА ЖУНАБ КЕТДИ

8 ноябр кўни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминнинг таклифига биноан давлат таърифи билан мазкур мамлакатда жўнаб кетди. Сафар олдидан мамлакатимиз Президенти оммавий ахборот воситалари вакиллариغا интервю бериб, жумладан, шундай деди:

— Хитой Халқ Республикаси жаҳондаги йирик давлатлардан бири ҳисобланади. Бу мамлакат нуфуси катталиги жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради, сайёрамиз аҳолисининг 21 фоизи ушбу мамлакатда яшайди. Хитой халқро ҳамжамиятда ҳам катта нуфузга эга бўлиб, иқтисодиёти юқори суратлар билан ривожланиб бораётир. Бугун бутун дунё Хитойнинг XXI асрдagi истиқболига жуда катта хайрихолик ва ҳурмат билан қарайпти.

Бир пайтлар Хитой аҳолиси тез ўсётгани боис қўччилик шубҳа тугилган эди. Яъни бу давлат халқини қандай боқадил, озиқ-овқат билан қандай таъминлайди?.. Бугунги кунда мамлакат нафақат ўз аҳолисини озиқ-овқат билан тўла таъминлайпти, балки қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини экспорт ҳам қилапти. Бир сўз билан айтганда, Хитой, ҳақиқатан ҳам тез ривожланиб, тараққий этган давлатлар қаторидан жой эгаллаётган мамлакатлардан биридир.

Айни пайтда у халқро майдонда катта бўғга эга. Бугун унинг овозига, айтди-ган гапига бугун дунё кат-

та ҳурмат ва эътибор билан қарайпти. Хитой БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо беш давлатдан биридир. Шу нуқ-тан назардан қараганда, Хитой билан ҳамкорликнинг мустақамланиши улқамизда, умуман, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорлик собит туршида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий алоқалар ҳўқиде гапирсак, давлатларимиз ўртасидаги бундай алоқалар мустақам заминга эга. Лекин очик айтиш керак, бу алоқалар имкониятлар даражасида эмас. Ҳўзир мамлакатимизда жамин ўн бешта қўшма корхона мавжуд. Бу — оз. Шунинг учун бизнинг мақсадимиз, мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни юқори даражага кўтариш. Шу нуқ-тан назардан, ўзаро манфаатли ва тенг алоқаларни ўрна-тишда катта имкониятлар бор ва ундан унумли фойдаланишимиз керак.

Бўнинг учун, аввало, транспорт, яъни коммуниқация масаласини тезроқ ечишимиз лозим. Бу муаммо айрим масалаларнинг тезроқ ҳал қилинишида асосий тўсиқ бўлиб турибди. Хитой орқали, жанубий бандаргоҳлар, Япония ақинида жойлашган Шанхайга чиқиш бизнинг энг муҳим стратегик мақсадларимиздан бири. Мазкур таърифи-миз чоғида шу масалани ҳам алоҳида муҳокама қилиш кўзда тутилмоқда. Сабоби бундай ҳамкорликдан Хитой томони ҳам жуда манфаатдор.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ: АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

8 ноябр. Пекин. (ЎЗА махсус мухбири Анивар Бобоев хабар қилади). Шу кўни Президент Ислам Каримов Хитойга етиб келди.

Хитой Халқ Республикаси Халқ йигини уйда Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий қутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қорувол саф торти. Давлат маҳдидлари янгради. Шундан сўнг, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва ХХР раиси Цзян Цзэминнинг омма-юз сўҳбати бошланди. Президентлар икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, халқро муаммолар, томонларни қизиқтирган бошқа масалаларни муҳокама қилди. Ягона фикрга келинган масала шу бўлдики, икки давлат раҳбари ўзаро ҳамкорликдан мамну-лик билдириб, алоқаларни янада мустаҳкамлашга бирдек кучли эътибор қаратишга келишиб олди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тарқибдаги музока-рларида эса Ўзбекистон билан Хитой ўртасида телекомму-никация, транспорт, саноат, савдо-сотиқ, таълим, ҳўқуқ ва ҳўзир бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликнинг ривожлантириш масалалари қўрилди.

Музокаралар ниҳойида

икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси билан ХХР ўртасида Дўстона ҳамкор-лик алоқаларини янада ривож-лантириш тўғрисидаги қўшма баёнот ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан ХХР ўртасида Экстрадиция тўғрисидаги битимга имзо чекилар. Шунингдек, телекоммуникация-вий алоқа, ақий мулк ҳўқуқларини муҳофаза қилиш, Хитой томонидан Ўзбекистонга имтиёзли кредит бериш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Хитой Дипломатия университети ўртасида, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Хитой Таълим вазир-лиги ўртасида, “Ўзбектуризм” миллий компанияси билан Хитой давлат саноат-қўшма икки ўртасида ва Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги билан Хитой Жамоат ҳавфсизлиги вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳам ҳўжжатлар им-золанди.

Оқшом ХХР раиси Цзян Цзэмин номидан Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов шарофига қабул маросими уюштирилди.

(ЎЗА)

ЎТМИШГА ҲУРМАТ — КЕЛАЖАКНИ ЎЙЛАШДИР

Халқимизнинг миллий қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди таваллуд 800 йиллигининг тантанали нишон-ланиши Хоразм вилояти ақин учун бўлди ва унинг тўғрисида воқеа бўлди. Улкан байрамга бошқа қўпгина тантанали тад-бирларнинг ўзлаб кетгани ҳам бежиз эмас. Президентимиз Ислам Каримовнинг вилоятта таърифи тантана-ларга алоҳида файз бахш этди.

Ўрғотилиши жаҳон илми ривожига мислсиз ҳўқуқ қўшган буюк алоқалар Ал Хоразмий ва Ал Беруний мей-морий боғларининг очилиш маросимида иштирок этди. Ур-ганч халқро аэропортдан шаҳар марказига олиб бору-вчи катта йўл бўйига жойлаш-ган бу боғлар икки буюк мута-факкирининг ўзига хос шарқона услубда қўрилган рақамли мак-бараларини ўраб турибди.

Ислам Каримов боғларда-ги ҳурмати меҳмонлар кит-тобига бундан минг йил ав-вал алғабра фанига асос солган Ал Хоразмий ва Ал Беруний беш аз йил илгари ер юзиде Америка қитъаси маъвулла-рини илмий асослаб берган Ал Берунийнинг хотираси ва меросига бўлган ҳўқуқ ҳур-матини ифода этувчи сатр-ларни ёзиб қолдириди.

Ўрғотилишининг ўрганиш қанали соҳидаги янги қўрил-ган ақла боғлар, Хитой меҳри-бонлиги уйининг тарбияла-нувчилари билан ўрашувчи улашмиди. Тарбияланувчилар Ислам Каримовнинг ўзлари-га қўрсатилган доимий ма-ҳўрлиги учун миннатдорчи-лик билдириб, Ватан ҳўқиде шешарлар ўқиб беришди.

Т. ШАМАКОВ,
ЎЗА мухбири.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ


Мамлакатимизга амалий таъриф билан келган Туркмени-стон ташқи ишлар вазир Б.Шихмуродов Ўзбекистон ташқи ишлар вазир А.Комитов билан учрашди.

Ташқи ишлар вазирлиги қабуллар уйда бўлиб ўтган маз-кур учрашувда, икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда минтақавий ва халқро масалалар юза-сидан ўзаро фикр алмашиди. Дўнвий йўлни танлаган икки қўшни давлатда ҳўзир иқтисодиётини ривожлантириш, халқ-нинг фаровонлигини ошириш ҳамда мамлакат ҳавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, жаҳон иқтисодиётига интеграцияла-ниш борасида бир-бир соҳаларда кенг қўламли ишловлар ўтқа-зилмоқда. Ўзбек ва туркман халқлари азалдан бир-бири билан қўшни ва қариндош бўлиб яшаб келди. Уларнинг ушбу ало-қалари бундан кейин ҳам мустаҳкамланиб боравериши шубҳа-сиз. Шу боис ҳўзир фуқароларнинг бонди-қелдисини тартиб-га солиш, уни халқро андозалар асосида қўриш зарурати ту-гилмоқда. Бўлиб ўтган сўҳбат чоғида яна шу масалалар ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунида икки мамлакат фуқароларининг ўзаро таъ-рифлари тўғрисида ҳўқуқматларга Битим ва унга қўшмача протокол имзоланди. Ҳўжжатларга А.Комитов ва Б.Шихму-ров имзо чекиди.

(ЎЗА)

«Пахта-99»



КАТТА МЕХНАТ ВА ТАДБИРКОРЛИК САМАРАСИ

Бухоро вилояти пахтакорлари 403000 тонна хомашё тайёрлаб йиллик режани бажардилар

Номига қадимдан шариф сифати қўшиб айтаётган вилоят деҳқончилигида битта қатъий қонда жорий қилинди. Улар бирор бир жиддий ишга бел боғлашса, албатта олинган пухта ҳисоб-китоб қилинган, юзга келиш эҳтимоли бўлган муаммоларни бартараф этишнинг энг мақбул йўллари белгилан олишди.

Шу йил баҳорда чигит экишга бағишланган ўтказилган йилги эсимдан чиқмайди. Олимлар ундай деса, мутахассислар бундай дейди. Уста пахтакорларнинг фикри бошқача. Кимдир экишга ҳаёти эрта деса, кимдир бошлайверса ҳам бўлади, дейди. Ҳали олинган қаттиқ соғулар, қор-ёғирлар бор, дейди яна кимдир. Йилги раиси бу гапларнинг барини диққат билан эшитиб, ён дафтарига нималарнидир ёзиб қўяди. Айни пайтда деҳқончилик билмолдорларнинг кейинги уч йиллик тақдирларини ҳам муҳокама қилиб, тақдир ва ҳулосаларини эшитди.

— Ота-боболаримиз чумчуқдан кўркан, тарик экмайди, деб бекора айтишмаган, — деди музокаралар якунида вилоят ҳокими. — Биз сизлар билан келишган ҳолда барча имкониятларимизни ва шарт-шароитларимизни ҳисоб-китоб қилиб, 1999 йил пахтасини етиштириш бўйича вилоят дастурини қабул қилганимиз. Бугундан бошлаб ана шу дастур асосида ишлаймиз. Демак, эртага чигит экишни бошлаймиз.

Эртасига экишга киришди. Қиска муддатда яхши ният билан вилоятнинг 129 минг гектар ерига чигит



СУРАТДА: Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги «Узбекистон-жамоа ҳўжалиги» бригадаси бошлиғи Муртоза Файзуллаев. У 68 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан ортир ҳосил кўтарди.

хоролик пахтакорлар бундай машаққатларни кўп бор кўрганлар ва ҳаммаша уларни тер тўкиб ентанлар. Шу ўринда бир ҳақиқатни айтмасдан бўлмайди. Бухоро ерларининг шўрлангани йилдан-йилга кўпаяётганлиги, ҳар сувларнинг юзга чиқаётганлиги бу қадим юрт халқини катта-катта синовларга тортаётган эди. Бу масала ҳам вилоят раҳбарияти олдига қўндалган бўлиб турар, дастурда белгиланган 7 минг километрик зовурилар қисқа муддатда тозалаш чоралари кўрилатган эди. Бу иш нафақат пахтачилик учун, балки бу-

гунги тараққиётимиз, айниқса, келажакимиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга эканлиги тақдор ва тақдор уқтирилди.

Қатъий билан олиб борилган бу иш тез орада самара кўрсата бошлади. Шўрланганининг асосий манбаи бўлган зах сувлар ерининг ҳосилдор қатламини тарқ эга бошлади. Ҳўш, шу билан иш битди, дейсизми? Йўқ, албатта. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ер тарқибини анчайин бузиб қўйган шўрланган деҳқондан тинимсиз меҳнат талаб этарди. Бунини яхши билган бухороликлар, сен ери бексанг, ер сени боқди ҳикматиға амак қилиб, мардондор меҳнат қилдилар.

Иттилаганга толе ер деганларидек, бухоролик пахтакорларнинг орзулари ушалади, ният яраша ҳосил етиштирилди. Шу кунларда қайси бир даврда бўлмган, ким билан суҳбатлашманг келажакка ишонч қайфиятини сезасиз. Бухоролик пахтакорлар уйған улкан хирмон энг аввало мамлакатимизнинг тинчилиги, ривожланиши ва қудратига қўшилган муносиб ҳиссадир. Иккинчидан, бу вилоятда барпо этиладиган ўнлаб янги коллеж, мактаб, тиббий муассаса, маданий-маиший бинолар, уй-жойлар, спорт иншоотлари, юзлаб километр равои йўллар, янги ишлаб чиқариш корхоналари, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг фаровонлигини, шаҳар ва қишлоқларнинг ободончилигини демасди. Учунчидан эса, ҳар бир оиланинг орзу ҳаваси, дастурхонининг тўқиллиги, файзу баракаси.

Неча йилдирки, вобекентлик пахтакорлар вилоятда биринчи бўлиб маррага етмоқдалар. Бу йил ҳам улар 22 кунда йиллик

режани бажариб, давлатга 44 минг тоннадан ортиқ пахта етказиб бердилар. Ҳосилдорлик гектар бошига 37,6 центнерни ташкил этди. Тумандаги ал-Бухорий, Д. Бобоқулов номи, «Зарафшон» жамоа ҳўжалиги гектар бошига 45-50 центнердан ҳосил етиштирилди.



СУРАТДА: Бухоро вилояти Вобекент туманидаги Р. Ҳусенов номи жамоа ҳўжалиги пудратчиси Рузбихон Ошмарова. У 2 гектар майдонда пахта етиштириб, 50 центнердан ортир ҳосил кўтарди.

Ғиждувон туманидаги С. Жабборов номи жамоа ҳўжалигининг М. Рашидов, Пешку туманидаги И. Эргашев номи жамоа ҳўжалигининг М. Турдиев бошлиқ бригадалари ҳосилдорлиқни 55-60 центнерга етказдилар. Бухоро туманидаги «Қалдирғоч», «Ботирбек», Вобекент туманидаги Умид Жамилов, Ғиждувон туманидаги И. Бозоров ва бошқалар раҳбар бўлган ўнлаб фермер ҳўжалиқлари 60-65 центнерлик маррани етказдилар. Бундай миқдорни кўплаб келтириш мумкин.

Вилоятда пахтачиликни раванок топиришда уруғчилик ҳўжасини яхшилашга алоҳида эътибор берилди. Айниқса, вилоят иқтисоди ва шўротиға мос бўлган «Бухоро-6» нави янада тақомиллаштириш, унинг сифат ва самардорлигини ошириш борасидаги изланишлар эса кетмади. Шунингдек, 46 та жамоа ҳўжалигининг ширкат ҳўжалиқлари айлантирилиши, 26 та ҳўжалик молиявий соғломлаштириш мақсадида сана-

цияга ўтказилиши, 15420 гектар пахта майдонининг фермер ҳўжалиқларга, 97176 гектар ерининг 27468 та оилавий пудрат аъзоларига шартнома асосида берилганлиги муваффақиятларнинг гарови бўлди. Мамлакатимиз мустақиллиги шароитида эришилган катта ютуқлардан бири одамларнинг ерга, сува, мулкка, техникка бўлган муносабатининг кескин ўзгарганлигидир. Бунини биз пахтачиликдаги натижаларда кўришимиз. Иккинчи жиҳати деҳқонлар Бухоро шароитида ерлан мўл ҳосил олиш мумкинчилигига ишонч ҳосил қилдилар. Ғалабанинг яна бир қилими молий манфаддорлик тўғрисида қўйилганлигида. Вилоят бу йил пахтадан 15 миллиард 345 миллион сўмдан кўпроқ даромад олади, бу ўтган йилга қараганда 5 миллиард 913 миллион сўм кўп. Соф фойда эса 2 миллиард 352 миллион сўм бўлиб, ўтган йилгидан 1 миллиард 819 миллион сўм ортиқ демасди.

Биз мақола аввалида Бухорода аниқ ҳисоб-китоб оқилона йўлга қўйилганини айтдик. Мана, дастлабки рақамларга эътибор қилинг.

Пахтачилик ҳўжасининг фойдаланиш даражаси 16,4 фоизни ташкил этди. Бу 1998 йилга нисбатан 12,1 фоиз кўпдир. Еки 1 гектар пахта майдонидан 119 минг сўм даромад қилинди. Бу кўрсаткич ҳам ўтган йилгидан 46 минг сўм кўп. Буларнинг ҳаммаси йилдагидан эртароқ етиштирилган пахтанинг 80-85 фоизи тўла очилгандан кейин теримга киришилганлиги, худди ана шунинг эвазига 45 кунда режа урдаланиб, 90 фоиз ҳосил юқори навларга сотилганлигининг натижасидир. Ҳосилдорлик вилоят бўйича гектар бошига 31,2 центнерни ташкил этди.

Вилоятда терим қизгин давом этаётган кунларда биз пахтакор ҳўжалиқларда бўлиб ҳосилни рағбат билан бир пайтда қўзғи-қийш тадбирлар бошлаб юборилганлигини кўрган эдик. Далалар тупроғидаги шўрни кетказиш, зах сувларни қорчириш эндиликда бухоролик деҳқонларнинг йил бўйи шуғулланган ишга айлиб бормоқда. Бундай саяё-ҳаракатлар келгусида эришилаётган ютуқлардан дарак бермоқда.

Абдуваҳоб АБДУБАННОВ, «Жалқ сўзи» мухбири, Бобур САИДОВ, журналист.

Ўзбекистон ва жаҳон ДЎСТЛИК ЧЕГАРА БИЛМАС

Навоий билан Хитой Республикасининг Шучжоу шаҳри биродарлашган шаҳарлар ҳисобланади. Бу икки шаҳар ўртасида дўстлик, маданий ва иқтисодий алоқалар яхши йўлга қўйилган. Икки шаҳар вакиллари доим бир-бирларига таширф буюриб, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди-лар, маданий соҳаларда ҳамкорлик қилишга ишти-радилар.

Яқинда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши ташаббуси билан Навоий шаҳар ҳокимияти саноат корхоналари вакиллари, маданият саройларининг «Карвон» ва «Фарҳод» ансамбли қўшқичи ва раққосалари билан иборат икки гуруҳ Хитой Халқ Республикасининг Хунан вилояти Шучжоу шаҳрида бўлидилар. Қизиқарли учрашувлар, таширфлар, суҳбат-

лар ўтказилди. Ансамбл аъзолари шаҳар ҳокимиятида катта дастурда концерт бердилар, турли фестивалларда ўз чиқишлари билан иштирок этидилар.

Айниқса, мезбонлар Хунан вилоятининг саноати ва қишлоқ ҳўжалиги жадад ривожланганлиги, ипакчилик соҳасининг ўзида юз минглаб киши иш билан бандлиги, самолёт қисмлари ва мотоцикллар ишлаб чиқарилиши ҳақида батафсил гапириб бердилар.

— Биз Хитойнинг Хунан вилояти Шучжоу шаҳрига қилган таширфимиздан катта таассуротлар олдик, — дейди делегация раҳбари, Навоий шаҳри ҳокими ўринбосари Исроиил Исмоилов. — Янги, илгор ривожланаётган индустрия, қишлоқ ҳўжалигини кўридик, маданий-маърифий соҳаларда ҳам жуда кўп ишлар амалга оширилаётганлигига ишонч ҳосил қилдик. Аҳолининг барча қатламлари катта бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этишмоқда. Расмий вакиллар билан учрашувлар, суҳбат чо-

ғида ҳозирги кунда мавжуд бўлган маданий-маърифий алоқалар доирасини кенгайтириш ва ушбу мақсадда иқтисодий, таълим, техника соҳаларида ҳамкорлик ишларини амалга ошириш ва айтиш мақсадда янги тақдирлар билан бирга биз хитойлик дўстларга Ўзбекистон ҳақида, Навоий вилояти тўғрисида батафсил ва қизиқарли маълумотларни гапириб бердик.

Дарҳақиқат, дўстлик чегара билмайди. Масофа қанчалик узоқ бўлишдан қатъий назар, яхши ниятли, эзгу мақсадли кишилар тезда тил топишиб кетадилар, аҳил-иноқ бўлиб қоладилар. Буларнинг ҳаммаси халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик, иқтисодий ҳамкорлиқни мустаҳкамлайдиган омиллардир.

М. АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамиятлари кенгаши ходими.

Vinlad Ҳаётингизни хотиржам қиламиз!

Кўп қаватли тураржой бинолари, хусусий уйлар йўлакларини, идоралар, банклар, муассасаларда ўрнатиш учун

«МЕХМОН»
кўпхонадонли домофони
Вазифаси:

- Хонадонларда яшовчилар билан келувчи ўтасида икки томонлама аудио ва видео алоқа (200 хонадонгача).
- Йўлакдаги қулфни очиш: электрон қалит билан (1000 та қалитгача), шахсий код билан хонадондан буйруқ бўйича
- Ўта мустаҳкам қоплама (тажовуздан ҳимоя).
- Чақирилаётган хонадон рақамига алоҳида тартиб берилиши.

ҚУРИҚЛАШ, ЁНГИНДАН МУҲОFAЗА ҚИЛИШ ЖИҲOЗЛАРИ, ТЕЛЕКУЗАТУВ, АТРОФИ ҚУРИҚЛАШ ТИЗИМЛАРИ ВА БОШҚА МАХСУС ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ



Тошкент ш., Қушбеги к., 18, тел.: 50-46-13, 50-99-13, 50-86-80, факс 50-03-61.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

қуйидаги кафедраларга профессор-ўқитувчилари лавозимларига танлов эълон қилади.

1. Дори турлари технологияси-доцент (7), катта ассистент (1), ассистент (4);
2. Фармацевтик кимё-профессор (1), доцент (6), катта ассистент (1), ассистент (5);
3. Махсус дори турлари технологияси-доцент (1), катта ассистент (1), ассистент (2);
4. Фармакогнозия-ассистент (3);
5. Фармация иқтисодиёти ва менежмент-доцент (1), катта ассистент (5), ассистент (4).

Танлов муддати эълон қилган кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун манзил: 700015, Тошкент ш., Ойбек кўчаси, 45.

ҳалигача Ўзбекистонда йўлга қўйилмаган. У аслида жаҳон тиббиёт илми олимларининг таваққулига кўра 60 ёшдан ошган беморларга таъсия этилган. Сабаби бу ёшдаги беморнинг синган суякларининг ўсиб-битиб кетиши жуда суст-лашди ва синган жойлардаги суяклар емирилди, айниқса, сон суягининг бўйинчаси.

Иккинчи томони эндопротез оламоз суягининг ўриш-ни юз фойда босқиндир. Ёшнинг 8, кўп билан эса 15 йилгача ундан бемор фойдалана олиши мумкин. Кейин алмаштиришга тўғри келади. Мутахассисларнинг фикрича эндопротез қўйиш ҳам худди жарроҳлик қайи сўғити имко-

низиға биологик таъсири ўрта-чилиб, тиббий қўриқдан ўтказил-ганилиб ҳақида тегишли ташқи-лотлардан ҳужжат бўлиши барча кўнглиликларининг олдини олади.

Бу халқроқ тиббиёт ташқи-лотларининг талабларига мосдир.

Энди бу боралда Травматоло-гия ва ортопедия илмий-текти-риш институтида нима ишлар қилинаётганлиги ҳақида фикр юрттағамиз. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бизга тақдим этган маълумотномасига кўра бу инсти-тутда М. Азимов томонидан ўтган беш йилда 101 марта жарроҳлик муложазаси қилинган. Шундан 76 беморга Виробов, 7 беморга Ки-ршиер, 2 беморга Ричардс, 16 бе-морга Мура-ЦИТО эндопротези

қилинган. Ўшандам қайси фир-малар, қандай ҳўжат асосида ол-ган ёки божхона тўловлари ҳақидаги маълумотлар мавжудли-ги кўрсатилиши керак чоғи. Ко-лаверса, бу эндопротезга фармо-кология ҳамда Давлатстандарт қўмитасининг ҳўлосани, клиник синовдан ўтганлиги ҳақидаги ҳў-жатлар бўлиши лозим эмасми-ди?

Ўқорилда эндопротезларнинг технологик тарқиб ҳўқид гапи-ридик. Бу ҳўжам муҳим. Чўнки яна қайтаримиз уша темир инсон организмга елимланиб кетади. Эндопротезнинг отаси ҳисоблан-миш профессор К.М. Сиваш бу усқунани олдин зағламлайдиган пултанга ясаган. Кейин эса му-аллиф узининг ушбу конструк-циясини ўзгартириб, мустаҳкам титан қўймаси билан BT-5-1 тай-тиги тақдир қилган. Демак инсоннинг организмга ноэкикли-ги профессора ором бермаган.

Шу ҳўлатни ёқатиш этим жузжикиб кетади. Ёсими хо-рижлик бир жабоонинг айт-ганлари тўшади. Биснинг туруқчаларда деғининг табиий равишда фаранд қўриш 50 доллар, суғийи ҳўлат 100, операция йўли билан — қоринни ёриб, гулдани олиш эса 200 доллар турлади. Уша сабабли аёллари ишлатилиш бўларди-ку. Бари-бир ҳўйрон қолди киши. Ёки бу ерда бирон бир манфад-дорлик ётибдимики?

Шу ҳўлатни ёқатиш этим жузжикиб кетади. Ёсими хо-рижлик бир жабоонинг айт-ганлари тўшади. Биснинг туруқчаларда деғининг табиий равишда фаранд қўриш 50 доллар, суғийи ҳўлат 100, операция йўли билан — қоринни ёриб, гулдани олиш эса 200 доллар турлади. Уша сабабли аёллари ишлатилиш бўларди-ку. Бари-бир ҳўйрон қолди киши. Ёки бу ерда бирон бир манфад-дорлик ётибдимики?

Шунингдек олимлардан К.М. Шерепов, И.В. Шумадилар ҳам шу фикрларни илгари суради. Тиббиёт фанлари доктори М. Ази-зов бундан табиийки, хабардор-дир. Чўнки бешчага бўлиши мумкин ҳам эмас. Аммо 24 ёшли бемор Юсуф Жўманиёвнинг сон суягининг бўйинчаси синганли-ги бўйича тўрт марта операция қилиниб, эндопротез қўйилган. Хўмон у қўлтиқ таёқда юрибди. Худди шундай аҳволда қасал-хона келган Доинер Қодировга ҳам йитирмаға кирмасдан эндо-протез қўйиш зарурдими?

Қўрбон ЭШМАТОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

SELENA LYUKS

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёшдан сақлаш бошқармаси томонидан гуноҳнома олган ва қўлланилган таъсия этилган қўйидаги бўйидаги текланмаган миқдорда сотади.

ДАРАК БЕРУВЧИ УСҚУНА (извешатель); ИПА-1 тутунниқоби.

- Шунингдек, қўйидаги тизимларни монтаж қилади:
- Ёшдан оғоҳлантирувчи сигнални;
- Ёшнинг тез ўчириш қўриқмасини;
- Периметрал сигнални барча ҳилия;
- Профессонал видеокузатув;
- Алоқа востисини.

Бизнинг ишимиз - сизнинг ҳаётиингизингиз!
Тел./факс: (3712) 54-87-72.
Тел.: (371) 185-58-60, 31-23-21, 185-60-89.

ТРИДЦАТЬ ПЛЮС

Бардам ва тетик бўлишингиз учун

ХАР БИР КУТГА СОВГАГА РУЧКА!
Қўрбон ЭШМАТОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

БИЗНИНГ ДЕРАЗАЛАРИМИЗДА ҚИ ДУҚНЭ ТЎЗАЛ ҚЎРИҚАДИ.

Алюминийдан тайёрланган дераза ромлари ва витраж тизимлари:

• турли шакл, ўлчам, рангданги дераза, эшик, витражлар тайёрлаш

• турли аркалар тайёрлаш

• чанг ва товус ўтказмаслик

• ойналарнинг ҳаво ўтказмаслиги

• очиладиган ва суриладиган қўрилма, жалюзилар ўрнатиш учун қўлай

• ёшдан хавфсиз.

Якка буюртмалар қабул қиламиз.

Йил мобайнида сервис хизмати кўрсатиш.

ALQUR

Манзил: Тошкент ш., «Оқназаров» шўҳрўчи, 2. Тел.: (371) 185-67-78, 185-67-74, 130-79-90. Факс: (371) 98-47-00.

Тизимчи дилдорларимиз: Андижон ш., Фиррат яраси, 214. Тел./факс: (37422) 35-25-94.

Навоий ш., «Фоникс К» фирмаси. Тел.: (43622) 30761.

ЖАЛОЛИДДИН ЮРТИГА ҚАЙТДИ

(Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди хайкалининг очилиши муносабати билан)

Омон чиқиб ёлар қаҳридан,
Отда кечиб кенг Синд наҳридан,
Сақсиз аср тарих қаҳридан
Жалолиддин юртига қайтди.

Тусолмади ҳеч ким йўлини,
Қилчидан олмай қўлини,
Кезиб қанча саҳро чўлини
Жалолиддин юртига қайтди.

Юрагини эзганда армон,
«Хоразм» деб чекканда фигон,
Халқи бўлди дардига дармон,
Жалолиддин юртига қайтди.

Қанча ўлка унга чўкди тиз,
Пойтахт бўлди гоҳ гўзал Табриз,
Исфандон у қолдирди из,
Жалолиддин юртига қайтди.

Жасорати тилларда мангу,
Шижоати дилларда мангу,
Эрк ялови қўлларда мангу,
Жалолиддин юртига қайтди.

Мардлар билан озоддир Ватан,
Мардлар билан ободдир Ватан,
Мардлар билан бунёддир Ватан,
Жалолиддин юртига қайтди.

Бугун халқим қалбида зиё,
Фарзандига дегай мархабо,
Юртбошига тилида дуо,
Жалолиддин юртига қайтди.

Носир МУҲАММАД.



ИЛМИЙ АНЖУМАН

Яқинда Ёш олимлар миллий жамияти, Фанлар академияси ҳамда Фан ва техника давлат қўмитаси ҳамкорликда «Кутубхона — ёшларни маънавий камол топтириш учун» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказди. Ушбу тадбирга Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган барча етакчи кутубхоналарнинг раҳбарлари, хорижий ва маҳаллий жағғармаларнинг раҳбарлари ҳамда етакчи мутахассислари таклиф этилди.

Семинарда республика миқёсдаги етакчи кутубхоналар билан юрт-қаторда олиқ ўқув юртлари қўшиқдаги илмий кутубхоналар тизимини тарқатиш масалалари таҳлил этилди.

Кутубхоналар фондлари янги адабиётлар билан бойитилаётгани эътироф этилди.

М. ХОЛМАТОВА.

Архив ҳужжатлари фақат тарих фани учунгина қимматли бўлмай, улар бугунги кунда мустақил юртимизнинг муҳим сиёсий, ҳужжатли ва маданий-маърифий ишларини тўғри йўлга қўйишда ишончли манбаа экан.

Ҳужжатлар эса гоёда кўп ва ранг-баранг. Улар билан танишиб борганим сайин овоз республика-мизнинг кечаги ва бугунги қиёфаси очилиб бора-верди.

Мустақиллик эпкиндари архивларимизда сақланаётган ҳужжатлар қатла-ридаги ғўборларни кўтарди, миллият қиёфаси ва кўрқига равшаник киритди. Тарихимиз бой ва сермазун. XIII асрдан бошлаб то бугунгача бўлган барча жаҳонларга оид қизиқарли ҳужжатлар


булиши билан бирга аниқ ва рад этиб бўлмас, давр учун жуда зарур ашёлардир. Уларга гарл юқтирмай, тўлатқисе сақланишида, эл-юрт юмушига доим шай бўлиб туришида Раёнохоннинг хизматлари беқисе. Бу дар-гоҳда ўтган ўттиз йилдан зиёд умр уни тарихчи, мураббий, санъаткор, соломачи аёл этиб шақлантирди. Ҳужжатларга донолик, зукколик ва тадбиркорлик билан ёндошгандагина улар ўз аҳамиятини, қадр-қиммати топади. Раёно Фаизева қаламига мансуб ўнга яқин китоб ва ҳужжатлар тўпланмалари ҳар биримизнинг иш дастурига учун гоёт фойдали ва қизиқарли-дир. «Хотин-қизлар тарихи», «Узбек тилида иш юртиши», «Архив атамалари», «Изоҳ-ли лугат» каби китоблари иш жойларида ўз муносиб ўрнини топади. Бундан ташқари, телерадионинг, матбуотнинг Раёнохонга иши тушмаган қўни йўқ. Давлат арбоблари, ёзувчи, шоирлар-у санъаткорларимиз ҳақида батафсил маълумот олишни истаганлар Раёно Фаизева бош бўлган бўлимдан ҳеч қурқиб қайтмайди.

Ҳужжатларга таянган ҳолда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш Раёно Фаизеванинг кўнгил

Мустақилликнинг 8 йиллиги нишонлаётган кунларда Раёно Фаизева Ироқи қишлоғида яна бир тиббиёт маскани қуриб, фойдаланишга топширилган. Ўрни пайтоҳда қишлоқ аҳлига замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, барча қўлайликларга эга қишлоқ амбулаторияси намунали хизмат кўрсатмоқда. Ушбу тиббиёт мас-канини қуриш учун 14,8 миллион сўмлик маблаг сарфланиб, у 3,5 миллион сўмлик тиббиёт асбоб-ускуна-лари билан жиҳозланди. Ҳозир бу ерда 15 нафар тиббиёт ходими меҳнат қилмоқда.

СУРАТЛАРДА: биянинг қўри-ни-ши; қишлоқ врачлик амбулатория-си шифокори Илхомжон Усмонов ва Нозима Жураева.

Бахтиёр ЮСУПОВ олган суратлар.



«ЖАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон
УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ
(масъул котиб —
«Жалқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
(масъул котиб —
«Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДИНОВ
(бош муҳаррир ўринбо-
сари — «Жалқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАҲОДИЙ,
И. ХУДОЕВОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ
(бош муҳаррир ўринбо-
сари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт —
133-57-34;
Ҳуқуқ —
136-07-94;
Иқтисодиёт —
136-36-65;
Қишлоқ ҳўжалиги —
136-37-85;
Маънавият ва маърифат —
136-35-60, 132-10-65;
Хатлар —
136-29-89,
133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва
иқтисодий масалалар —
132-12-08;
Халқаро ҳаёт —
132-11-15;
Котибият —
133-10-28;
Эълонлар —
136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 0911,
23276 нускада босилиди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида
босилган.
Қўғоз бичими А—2

Газета РЕНТИУМ-П™
компьютерда терилди
ҳамда операторлар
С. ЛУКИН
ва Ж. ТОҒАЕВ
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб —
Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир —
О. РАҲИМОВ.
Навбатчи —
А. ЖҲРАЕВ.
Муҳахх —
Ш. МАШРАББОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми
5 қўғоздан зиёд
материаллар қабул
қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмаҳонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон»
кўчаси, 41.

Босишга топшириш
вақти — 21.00
топириш вақти — 21.50
1 2 3 4 5 6

Обуна-2000

«МУЛОҚОТ»

РОСТГҲЙЛИК ЖАРЧИСИ

«Мулоқот» мустақиллик гоёларини, миллий истиқ-қол мафқурасини тарғиб қилишда республика миқёсдаги пешқадам журналлардан бирига айланди. Журнал ўзининг дастлабки сонлари-данок мафқуравий ҳўқмдор-лика — коммунистик мафқурага қарши турди. Чор Русиянинг Урта Осиёни, ҳўсуван, ўзбек типогрфини босиб олганини биринчилардан бўлиб қоралаб чиқди. Юртимизни қўллик занжирига солганлар ўз баҳоларини олишлари керак эди. Бу баҳони уларга «Мулоқот»да таниқли тарихнамие олим Ҳамид Зиёева айтди.

Ўзбек халқини озодликка бошлаган, мустақиллик ва ўзлики қаттиқ туриб ҳўмоқ қилишга қорлаган юртбо-шимиз Исом Каримов портретига чизгилар — «Президент — салтанат раъиси», «Йўлбошимиз фаолиятига, нутқлари ва асарларига чуқур таҳлиллар илк бор «Мулоқот»да пайдо бўлди. Ва шу-шу журнал саҳифаларида Президент-мизнинг ҳар бир янги асарини кенг оммага тушунириш, тарғиб қилиш

аёнганга айланди. «Мулоқот» тасавуф тарикатининг пешволари Аҳмад Яссавий, Наҳмиддин Кубро, Абдуҳалиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Маҳдуми Аъзамларнинг сермазмун ҳаёти ва хайрли аъмоли ҳақида шўро тузуми давридаёқ далай чиқарилган эди. Журналхонлар буюк муҳад-дислар Имом ал-Бухорий, Абў Исо ат-Термизийлар бабу қилган данишлар. Мустақилликнинг дастлаб-ки давридан унинг ҳўмоқчи-сига айланган «Мулоқот» фаолиятини йилдан-йилга қўчатириб, оқол халқ маъна-виятининг тарғиботчиси сифатида янада фаолашмоқда.

Янги йилда «Мулоқот» ўз саҳифаларида ўз сўзининг устидан чиқадиган, мустақил фикрли, сўзи ва иши бир, доворик, эл эъзолаган зиёлиларнинг дил сўзларини кенг тарқатади. Уларнинг фикри мамлакат тарғиботига ва миллатлар аҳлиликига фойда келтиришига астойдил ишонамиз.

Журнализмнинг ўн йиллиги нишонланганидан 2000 йилдан умимизиз катта. Янги сонларда мустақилликни

мустаҳкамлаш, ватанпарвар-лик, ҳўшёрлик, ҳўлол ва фидойи бўлиш, мамлакатда рўй бераётган бунёдкорлик-лар, тинчлик ва осийишта-лик, ўтмишни эъзолаш, бугуннинг қадрига етиш, Юртошни ва она-Ватанга садоқат, халқимизнинг урф-одатлари, миллий анъана ва ўзгариш билишнинг мақола-лар билан бирга умуминсо-лий қадриятлар ҳақида ҳам сўхбатлар ўқийсиз.

Жамият ва адолат, дунё ва давлат, мафқура ва замон, бойлик ва ахлоқ, иймон ва эътиқод ҳақида кўтарилган энг янги, энг халқлик ижтимоий фикрини биринчи бўлиб «Мулоқот»да ўқийсиз.

Ҳеч шўбасиз, янги йилда ҳам «Мулоқот» ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун энг яқин дўст, энг фойдали ҳамкор ва энг қўнчак қўмақлош бўлиб қолади.

Нашр кўрсаткичлари: Яқна обуналар учун — 844, Тақсимотлар учун — 845.

Д. САДУЛЛАЕВ,
«Мулоқот» журнали
масъул котиби.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 9 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарини сўма нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	87,77	1 БАА дирҳами	37,51	10 Люксембург франки	35,47	1 Франция франки	21,81
1 Австрия шиллинги	10,40	1 АКШ доллари	137,76	1 Малайзия ринггити	36,26	1 Швейцария франки	88,68
1 Англия фунт стерлинги	223,53	1 АКШ доллари	40,16	1 Германия маркиси	73,15	1 ЕВРО	143,08
1 Бельгия франки	35,47	10 Испания песети	8,60	1 Польша злотийси	31,68	10 Жанубий Корея вон	1,16
1 Голландия гульдени	64,93	100 Италия лираси	7,39	1 СДР	190,57	10 Япония йенаси	13,10
1 Греция драхмаси	4,36	1 Канада доллари	94,19	1000 Туркия лираси	0,28	1 Россия рубли	5,25
1 Дания крониси	19,25	1 Хитой юан	16,64	1 Финляндия маркиси	24,06	1 Украина гривнаси	30,04

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмасан.

ФИГУРИН

хўшқомат бўлиш учун
ўсимлик капсулалари



СТАМИНА

Куч-қувватни
тиклайди



(Газетанинг навбатдаги сони 11 ноябр — пайшанба кўни чиқади).

БЬЮТИ ПЛЮС

Сизнинг бокиралигингиз
ва латофатингиз

Шоҳар дорихоналаридан сўранг

ТРИМОЛ



бош оғриғи ва танадаги
орғиларни қолдиради

АПКОСУЛ



гепатит
ва ичкикдан
хасталанган
жигарга ҳўмоқ
воситаси

ТРИДЦАТЬ ПЛЮС

Бардам ва тетик
бўлишингиз учун

